



ИЛК ҚАДАМ ЁМОН ЭМАС

Озиқ-овқат, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳамда қурилиш материалларини ноқонуний равишда жумҳуриятдан ташқарига олиб чиқиб кетиш қатъий таъқиқланади. Бу серқуёш Ўзбекистонимизда истиқомат қилувчи етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган фуқароларга маълум. Аммо шундай бўлсада, баъзи нопок кимсалар мўмай даромад орттириш мақсадида қинғир йўлни ихтиёр этмоқдалар. Айниқса, ДАН ходимлари бундай қонунбузарликларга кўп гувоҳ бўлмоқдалар.

Яна шунини таъкидлаш керакки, уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли тўхтатиб қолинаётган халқимиз мулки дарёдан томчидек гап.

Ўзбекистон Жумҳурияти Президенти ҳузуридаги вазирлар маҳкамаси ана шу масалага жиддий эътиборни қаратди. Қизгин муҳокама ва мулоҳазалардан сўнг ИИВда товар-моддий бойликларни олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи давлат назорияти тузиш мақсада мувофиқ деб топилди. Шундай қилиб, шу йил 1 ноябрдан бошлаб ана шу янги хизмат фаолият кўрсата бошлади.

Мазкур хизматнинг Қарши шаҳар бўлимига милиция подполковниги Маркс Тоғаев бошлиқ этиб тайинланди.

Узоқ йиллар мобайнида вилоят ички ишлар бошқармасида ўзини моҳир терговчи сифатида намоён этган бу киши янги лавозимда ҳам ғайрат-шижоат билан ишга киришди.

Бугунги иқтисодий таъчиллик шароитида ҳар бир воқеликка иккиланиб қарашга одатланганмиз. Бу ерда ҳам шундай бўлди. Маркс Тоғаев ва унинг раҳбарлигида иш юритаётган Бахтиёр Шаропов, Абдуназар Қурбонов, Панжи Маъдиев, Ўроқ Абдурахмоновлар фаолиятига дастлаб шубҳа, аниқроғи ишончсизлик билан қараганлар ҳам бўлди.

Аммо бу йигитлар қийинчиликларни назар-писанд қилмаяптилар. Қарши шаҳар қўналғасида нопок ва қўли эгри кимсаларга тузоқ қўйиб, уларнинг кирди-корларини фош этишда яхши натижаларга эришмоқдалар. Шу боисдан хийла салмоқли товар-моддий бойликлар талон-тарож қилинишдан сақлаб қолинмоқда.

Чори САТТОРОВ,
ички хизмат капитани.

Қисқа сатрларда

НОН ДЕЯ, НОН ДЕЯ...

АНДИЖОН шаҳрининг Энгелс кўчасидаги нон дўкони олдида тўпланган 50 нафар одам бир гўдакнинг уволига қолди.

Дўкон олдида нон маҳсу-

лотлари ортилган машина келиб тўхташи биланоқ, ҳамма ўша ёққа ёпирилди. Навбатда турган етти ёшли қизча эса дўкон деворига қисилиб қолди. Унинг жон ҳолатдаги қичқирғига ҳеч ким эътибор қилмади. Ҳамма кар, ҳамма кўр! Сўнгги умидидан ҳам айрилган қизгина беҳуш йиқилди. Касалхонага келтирилганда ҳам барибир қайта кўз очмади. Эҳ, одамлар!!!

САРИОСИЁ туманининг «Асалчилик» давлат хўжалигига қарашли асал сақланадиган омборга ўғри тушди. Умумий қиймати 12 минг сўмлик 650 килограмм асал бир зумда гум қилинди. Кимдир ёки кимлардир бутун бошли омбордан шунча асални олиб

АЙИҚ БЎЛ-Е!

кетадию, кимдир ёки кимлардир беҳабар қолади. Бундай боқибегамлик учун кимгадир ёки кимларгадир минг «тасан-но!»

да айрилди-қолди.

Эшикни бузиб кирган ўғри унинг хонумонига ўт қўйди гўё. 15 минг сўм пулидан бир тийин ҳам қолдирмабди-я номард. Устига-устак 8 минг 730 сўмлик кийим-кечакни ҳам кўтариб кетибди. Ош олдида бурун қонашми бундан ортиқ бўлмаса керак.

ҚЎЛИ ОШГА ЕТГАНДА

УРГАНЧ шаҳридаги мактаблардан бирида қоровул бўлиб ишлайдиган Ш. Матёкубов йиллаб ва мисқоллаб тўплаган бисотидан бир кеча-

БОЁВУТ тумани ички ишлар бўлимига кириб келган Н. Севостьянова хўнграй-хўнграй қизи Светланаинг йўқолиб қолганини хабар қилди. Югур-югурлар натижасида қизча топилди. Бироқ у бу дунёни тарк этганди.

Қотил ҳам аниқланди. Одам-куш шу мурғанининг... ўз онаси бўлиб чиқди [йўқ, у она

ЕР ЮТСИНИ

эмас. Она эмас!.

Фарзанд кўр қилгур бу аёл милицияга хабар беришдан бир неча соат олдин боласини каналга отиб юборган экан...

Э. САТТОРОВ.

«ҚОРАДОРИ-91»



ИЛДИЗИ ҚУРИСИН БУНДАЙИН ЎТНИНГ

Гнѐхвандлиқнинг зарарли асоратлари ҳақида қайта-қайта эслатишнинг ҳождати бўлмаса керак. Шунинг учун гапнинг нидалосини айтиб қўя қолайлик.

Бошқа ҳудудларда бўлгани каби Тўрақўрғон туманида ҳам «Қорадори-91»


операцияси давом этмоқда. Бу ишга ҳалол, виждонан ёндашаётган туман ички ишлар бўлими ходимлари жамоа хўжаликларига қарашли 4355 квадрат метр майдондаги ёввойи ҳолда ўсаётган 10 минг тупдан ошмиқ наشا ўсимлигини йўқ қилиб

ташладилар. Шунингдек туманларнинг ҳар бир вакили ўз ҳудудларида яшовчи аҳоли ўртасида тарғибот ишларини ҳам олиб бормоқда.

Умуман, таркибида наркотик модда бор бўлган бундай экинларни батамом йўқотиш учун ҳамма жойини — қаровсиз ерлар, канал бўйлари, экинзорлар ораларини кўриш керак бўлади. Шундай қилинапти ҳам.

Бу ишда жонбозлик кўрсатаётган ҳудуд вакиллари-дан Тўрақўрғон тумани ички ишлар бўлими участка вакили, милиция майори Жабборали Ҳамроев, участка вакили, милиция катта лейтенанти Боқижон Саримсоқовлар хизматини алоҳида таъкидлаш мумкин. Улар қишлоқ кенгаши ва жамоа хўжалиги фаоллари билан ҳамкорликда шу кунгача 1225 квадрат метр майдондаги икки минг тупдан ошмиқ заҳарли ўтти ёқиб юбордилар. Операция давом этмоқда.

СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга) хўжаликдаги ёшлар иттифоқи кўмитасининг котиби Холмирза Қўзиев, Хўжант қишлоқ кенгаши участка вакили, милиция катта лейтенанти Боқижон Саримсоқов, Ахси қишлоқ кенгаши участка вакили, милиция майори Жабборали Ҳамроев, Хўжант қишлоқ кенгаши ҳарбий ҳисоб столи бошлиғи Муҳаммадшо Қурбоновлар Заҳриддин Муҳаммад Бобур номли жамоа хўжалигининг биринчи пахтачилик бригадаси ёнидаги Сирдарё бўйларида ўсаётган ёввойи наша ўсимлигини йўқ қилиб ташлаш олдидан; ўсимлиқнинг умумий кўриниши.



ФАХРИЙЛАРИМИЗ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Избосканликлар заҳирадаги ички ишлар капитани Тўланбой Абдуллаев ҳақида гап очилса «Ҳа, Тўлан паспортми, яхши мелиса» деб қўйишади.

У бу оддий эътироф учун милицияда узоқ йиллар иложи борича ҳалол хизмат қилди. Гапнинг тўғриси оғанда ишлаб, биронта одамга озори етмай ёки кўнгил қолдирмай пенсияга чиқиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Айниқса бизнинг ўзига хос, бемехрлик анча илдиз отиб кетган жамиятимизда бу айниқса ўта мураккаб ва ақлга сиғавермайдиган ҳол.

Тўланбой ака билан қилган қуйидаги суҳбатимиз милиция ҳаётининг ана шу мураккаб омиллари ҳақидадир.

ТЎЛАН ПАСПОРТ

— Милиционер деса кўплар форма кийиб, текинга еб-ичиб юрадиган одамни тасаввур этадилар. Бу нотўғри албатта. Милиция ҳаётини билмайдиган кимсаларгина шундай ўйлайдилар. Ўзингиз ўйланг, одамлар уришиб қолсаям, Президент қарор чиқарсаям милиция балогардон. У аралашмайдиган иш, у кирмаган хонадон йўқ.

— Сиз узоқ муддат — салкам йигирма йил туман ИИБ паспорт столида бошлиқ бўлиб ишлагансиз. Бу соҳанинг ўзига хос муаммолариям бордир?...

— Эҳ-ҳе, қайси бирини ёзгай. Бино муаммосини айтмайми, мебел танқислигини гапирмайми? Аксарият жойларда иши тушиб келган фуқаролар учун оддий шароит йўқ. Кўплар назарида бу унчалик муҳим иш эмасдай.

— Паспорт тизимини чет элларда анчайин аҳамиятсиз деб айтишади. Бизда ҳам уни бекор қилиш керак, деган фикрлар қулоққа чалиниб қоляпти. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Ҳамма гап масалага қандай ёндошилишида. Паспорт юрти ишларини кўпинча сунъий мураккаблаштириб юборишимиз бу ҳужжатга нисбатан кишиларда норозилик, баъзан нафрат ҳиссини шакллантириб қўяди. Ёнингизда шахсингизни, миллингизни, маконингизни тасдиқловчи, саломатлигингиз, оилангиз, бола-чақангиз ва ҳоказолар ҳақида беминнат маълумот берувчи ҳужжат бўлишининг нимаси ёмон?

— Ана шу сунъий мураккабликлар ҳақида мисоллар келтиролмайсизми?

— Масалан, 30-йилларгача туғилган кишилар ҳужжалик дафтаридаги ўн йиллик маълумот асосида паспорт олишлари мумкин. Ундан кейин туғилиб вояга етган шахслар паспорт олоқчи бўлсалар, ЗАГС бюроси минг хил мутлақо кераксиз ҳужжатлар талаб қилади. Айтайлик, фарзандлар туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномадан нусха, никоҳ гувоҳ-

номасидан нусха, яна аллақандай қорозлар... ЗАГС қорозлари бўлмаганлардан никоҳини муҳр билан тасдиқлатиб келиш талаб этилади. Э-э, бу сансалорликларнинг сон-саногини йўқ.

— Бу борада сиз ишни осонлаштириши мумкин бўлган қандай усулни таклиф этган бўлардингиз?

— Ижроқўмлар қошидаги ёшни аниқлаш комиссиясига кўпроқ ҳуқуқ-ваколат ва эркинлик берилса, улар чиқарган хулосага ҳурмат билан қараб, ишонилса бас — олам гулистон.

— Собиқ ишхонангизда одамларга ноқулай бўлган қандай камчиликлар кўзингизга ташланди?...

— Паспорт столи бошлиғига шу соҳага доир барча масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқи берилиши керак. Оддий бир мисол. Фуқарога паспорт ёзиб қўйилди. Бироқ милиция бўлими бошлиғи қўл қўймаса, у кутиб ўтираверади. Паспорт бўлими ертўла зах жойга тушириб қўйилган. Яхши ёритилмайдиган. Фуқаролар учун кутиш, ўтириш жойлари йўқ. Алимонтчиларни қидириш, тантанали паспорт топириш учун жойларга чиқиш, қишлоқ кенгашлари билан алоқа қилиш, назорат ўрнатиш учун транспорт ажратилмаган.

— Мана, нафақага чиқиб олдингиз. Нафақахўрларга қандай ҳурмат кўрсатишларини истар эдингиз?

— Улар жамоадан ажратиб қўйилмаса, Тўй, ўлим-йитим ва бошқа маросимларга таклиф этилса. Аччиқ-чучук кунларингда жамоа ҳамдард-ҳамнафас бўлса. Милицияда ишлаб чиққан кишиларга бусиз ҳам жуда қийин. Бунини бошига тушган кишигина билади. Масалан, узоқ йиллар участка инспектори бўлиб ишлаган ҳамкасбимиз Холмирза Усмонов нафақага чиққач, етарлича иззат-икром кўрмай дунёдан ўтиб кетди. Кўп йиллар милиция бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлаган Маҳмуджон Усмоновнинг ҳам ҳаётлигида иззатини жойига қўелмадик. Улар-



нинг ҳар бири бир дунё инсонлар эканлигини мана энди ҳис қилиб турибман. Уларга на машина берилди, на моддий ёрдам кўрсатилди.

— Бу борада ўз армонларингиз ҳам борга ўхшайди?

— Қайнотам Иброҳимжон Қобулов фронтда — Венгрияда ўлиб кетди. У эскадрон қўмондони эди. Қайнонам ҳам жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўқитувчи, нафақадар. Турмуш ўртоғим ҳам 2-гуруҳ ногирони, 6 фарзандимиз бор — уч ўғил, уч қиз. 3 таси олий маълумотли. Фарзандлардан нолимаймиз, барака топишсин. Қарамогимда 76 га кирган 1-гуруҳ ногирони — акам бор, онласиз, фарзандсиз. Аравада олиб юрамиз. Истагим — битта енгил машина бўлса...

— Шунча ишлабсиз, машина беришмадими?

— Яхши савол бердингиз. Милиция бўлими жамоаси 1990 йили нафақага чиқишим муносабати билан машина беришларини сўраб туман ижроқўмига қарор нусхасини юборишган эди. Кўп югурдим, ҳал бўлмапти.

— Назарингизда милиция қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз?

— Милицияга кўпроқ халқ қалбини илғай оладиган, шундан келиб чиқиб муомала қиладиган, мустақил хулосалар чиқара биладиган кишиларни кўпроқ жалб этиш лозим. Кўпроқ хушмуомалалик, ширинсўзлик, оддийлик менинг ҳамкасбларимга ҳам зийнат бағишлашига ишонаман.

— Бордию, бунинг имконияти бўлмасачи, ахир хизматчилик?...

— Йўқ, ҳар қандай нолик вазиятда ҳам ўзини тутат биладиган, мураккаб ҳолатларда ҳам инсонийлик нуқтаи назаридан қарорлар чиқарадиган кўплаб касбдошларимизни биламан...

— Ингитдайсиз, ишлагингиз келмайдими?

— Йўқ, менинг ўрнимда давр талабига кўпроқ жавоб берадиган билимдон ёшларнинг ишлагани маъқул. Қолаверса, ҳар бир шахснинг ўз даври бор. Сени давр тан олганда, ҳар қанча ишласанг арзийди. Давр бошқа бировни тан олаётганини сезиб турсангу иқдор бўлмасанг, бу ҳам яхшиликка олиб келмайди.

Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ.

СОҒЛАР БОРМИ?

Одам бир шайтоннинг гапига кирдим, тамом. Кейин унинг измидан чиқиши гумон. Шайтон бўйнига эшакдай минволиб, бебошликнинг жуда кўп жинкўчаларига етаклаб, томошалатиб чиқади. Ёмон таъсирга тез берилувчан Дмитрий ҳам шайтоннинг назаридан четда қолмади. 16 ёшлигидаёқ унинг гапига кириб ўғирлик қилди. Уч йил ўтириб қайтди. Қайтганидан кейин туман ИИБ ходимлари роса уни иблисининг чангалидан қутқариш учун ҳаракат қилдилар. Рўйхатга тикладилар, назорат ўрнатишди, тез-тез чақиртириб, келишиб ишга жойлаштириш ҳаракатини қилиб кўришди. Э, қўйингчи, қўлларидан нима яхшилик келса ўшанга таклиф этишарди. Бироқ Дмитрий сал одамга ўхшамоқчи бўлдию, негадир яна феълий айниб қолди. Ёки шунча унга кўрсатилган илтифоту беминнат хизматлар болани бузиб юбордим, ҳарқалай қуюшқондан чиқиб кетди.

Кеч тушар-тушмас оғайнис Виктор билан ичиб, Юнусобод даҳасидаги уйларнинг ёнида ўтган-кетганга тирғала бошлади. Ширакайф йигитлардан ҳамма бўридан қочгандек қочишарди. Бу ҳол эса уларнинг баттар жазавасини кўзитарди. Шу пайт В. Колмеев ўтиб қолди. Дмитрий ва Викторлар уни бўралаб сўкишаркан, изидан юришди. Тишини тишига қўйиб индамай кетаётган Вадимни бари-бир ўз ҳолига қўйишмади. Ёқасидан олиб муштлай бошлашди. Вадим оғзи бурни қонга тўлиб йиқилгачи на безорилар жуфтакни ростладилар.

Кўп қаватли уйларнинг бири ёнида нафас ростлаётган ёқавайрон йигитларнинг олдига милиция ходимлари яқинлашишди. Лекин зўравонлар уларга ҳам жисмоний куч ишлата бошладилар. Ходимларнинг бирига жиддий жароҳат етказган Дмитрий чўнтагидан пичоғини чиқарди. Икки безорина бас келолмаган тўрт милиция ходими охири қуролни ишлатишга мажбур бўлди.

Сонидан яраланган Дмитрий касалхонага ётқизилди. Даволаниб чиққан қонулубозар 2 йилга кесилди. Бу воқеа 1989 йили юз берганди. Бироқ Дмитрий озодлик нафъасидан кўра тутқинлик ҳавосини кўпроқ ёқтиради. Эркинликка чиққанига бир ой бўлмай ғирт маст ҳолатда қўшнисининг эшигини қоқди.

— Женини чақиринг! Қўчага чиқсин, гап бор.

— Жени уйда йўқ, — аёл киши эшикни очмай жавоб берди.

— Алдама, Айт чиқсин,

йўқса кўрадиганини кўради мендан!

Дмитрий эшикни уриб-тепаркан, оғзидан боди кириб, шоди чиқарди. Лекин аёл барибир эшикни очмади. Ўғли билан юракни ҳовучлаганча жим туришди. Безори кетди. Бир неча дақиқа ўтиб, деразасига отилган ўқдан жон-понлари чиқиб кетди. Кетидан хонага тошлар отила бошлади. Евгений Дмитрийнинг олдига чиқишга мажбур бўлди.

Уни кўрган Дмитрийнинг чехраси ёришди. Аввал дидир-титраётган Женининг елкасига қўлини қўйиб, ҳазиллашганини айтди. Сўнгра эски гина-кудуратларини тўкиб соларкан, илондай авраб чўнтагидан пичоқ чиқарди. Аммо унинг ҳар бир ҳаракатини жон асраш ниятида кузатиб турган Жени чап бериб, пичоқни тортиб олди. Қўтуриб кетган Дмитрий ҳозиргина белига қистирган қирқма милликка шартта ёпишди. Қуролни қўлга киритиш гумонлигига кўзи етган Жени орқа-олдига қарамай қоча бошлади. Ўқ овози ҳамма ёқни тутди. Икки, уч... Жени илон изи қилиб қочар. Дмитрий эса ўйламасдан тепкини босарди. Шу пайт (ажал ҳайдаганми) челақ кўтариб ахлат уюми томон келаётган вояга етмаган А. Хайруллин «дод», дедию оёғини ушлаб ўтириб қолди.

Уйнинг бурчагида Женининг онаси ва бир неча милиция ходимлари кўринди. Дмитрий қуролни ташлаб югура бошлади. Шу пайтда қаёққа ва нимага югураётганини ўзи ҳам билмасди.

Дмитрий ўз номи билан жиноятчи. Женининг безори олдига тили қисқилик жойи бор. Лекин унинг онаси нега жанжал бошланган ҳамон оқ ўзи, ўзи бўлмаса қўни қўшнилари орқали милицияга хабар бермади экан? Наҳотки ушбу воқеа албатта қотиллик билан туғаша керак эди? Кўп қаватли уйларда яшаётган одамлар-чи? Уларнинг бунини кўришмаганига ишониш қийин. Ёки бир-бирининг гўштини егунча кутиб туришганмикин? Хайрият ҳам ўқ Алексей деган боланинг оёғига тегди. У бола сизники ёки меники эмаску, шундайми? Қанчалар худбинмиз-а? Ўзи ўша уйларда, умуман кўп қаватли уйларда эркаклар, одамлар яшапмикин? Уларнинг қулоқлари, кўзлари соғмикин?

Тошкент шаҳар Киров тумани халқ суди 1966 йилда туғилган Дмитрий Лили 8 йилга озодликдан маҳрум этди. Бироқ у ердан бу сафар ҳам одам бўлиб келиши даргумон.

Нур БАДИЯ.



АЙЁРЛИГИ ЎТМАДИ

Милиция капитани Р. Тошев, милиция старшиналари А. Нарзиев ва Ш. Эгамовлар Бухоро вилояти ИИБ ДАНБ 2-алоҳида рота-сида хизмат қилишади.

Уша кунин, яъни 13 октябрда улар чўл зонасида жойлашган Конимех тумани ҳудудида эдилар. Бундай узундан-узоқ йўлларини ДАН ходимлари аҳён-аҳёнда текшириб туришлари ҳайдовчиларга маълум. Шунинг учун баъзилар йўл ҳаракати қондаларига айтарили амал қилишмайди. Нафақат йўл ҳаракати қондаларига, ҳатто...

Оқшом қоронғуси чўккан чоғ. В. Саланой ва унинг шериги С. Сквипин машиналарини бамайлихотир елдириб келишяпти. Тўсатдан В. Саланой илон чаққандек сапчиб тушди. Машина силкиниб тўхтади.

ДАН ходимлари эса икки километрча нарида тўхтаб қолган машинани шундоқ кўриб турардилар. Нима учун тўхтаганини, албатта, текшириб кўриш керак.

Ниҳоят машина кўзгалди. Милиционерларга яқинлашгач, уларнинг ишораси билан бир чеккада тўхтади. Машина олдига келган милиционерларга В. Саланой бефарқлик билан ҳужжатларини узатди. Милиция

старшинаси А. Нарзиевнинг нима учун анча нарида тўхтаганини ҳақидаги саволига машинаси бузилиб қолганлигини рўқач қилди. Шунда Нарзиев милиция капитани Р. Тошевдан машина тўхтаган жойини текшириб келиш учун рухсат сўради-да, йўловчилар машинасига ўтириб, орқага ҳайдади. Чироқларини ёқиб, ҳалиги жойини синчиклаб текшира бошлади. Ниҳоят чироқ ёруғи йўлдан икки-уч қадам нарида ётган сумкага тушди. Уни олиб текшириб кўрганларида, ичидан 2,5 килограммга яқин наркотик модда — кўкнор топилиди...

Шу ўрнида милиция старшинаси А. Нарзиев ҳақида икки оғиз сўз. Унинг милиция сафида хизмат қилаётганига эндигина беш йил бўлди. Юқоридаги вазиятларга ўтган қисқа хизмат давомида бир неча бор дуч келган. Синчков, хушёр, ўз ишида қатъий турадиган, умуман, ўрнат олса арзийдиган ходим. Унинг келгуси хизматларига омад тилаймиз.

Ж. ОЛЛАМОВ,
милиция майори.

СУРАТДА: милиция старшинаси А. Нарзиев.

ОТА-ОНАЛАР
ДИҚАТИГА!

МАКТАБ ЎҚУВЧИСИ — ЖИНОЯТЧИ

26 сентябрь куни Бағдод тумани Қаҳат қишлоғили Носиржон исмли кишининг моли ўғирланибди, деган хабар бутун қишлоққа тарқалди. Милиция ходимлари уч кеча-кундуз қидирув ўтказдилар. Ўғри топилди. У шу қишлоқлик, 29-мактабнинг 11 синф ўқувчиси Йўлдошали Эшонқулов бўлиб чиқди. Маълум бўлишича, у умуман назоратдан чиқиб кетган, мактаб кечки бўлгани туфайли хоҳласа борар, хоҳламаса қадамни ҳам босмас экан. Биринчи навбатда ота-онанинг, қолаверса, мактаб маъмуриятининг ниҳоят даражада совуққонлиги ўсмири жиноят кўчасига етаклади.

Азиз ота-оналар! Сизларга бир оғиз сўзимиз бор. Биз юқорида келтириб ўтган мисол кимларгадир арзимас бўлиб туюлиши мумкин. Лекин эсда тутинг, жиноятчиликнинг катта-кичиги бўлмайди ва содир қилинган ҳар бир жиноят учун якуний ҳукм — жазо тайин!

М. ИСОҚОВ,
Бағдод тумани ИИБ
БЕИН бошлиғи, милиция капитани.

Револювер

(Боши ўтган сонда).

16 декабрь куни эса нотаниш татар йигити билан марказий кўпмолли дўкон ёнида турган ҳаворанг янги «Жигули»ни олиб қочдик. Аммо йўлда автобус билан тўқнашиб кетдик. Ўшанда бошим пешойнага урилди. Тезда ўзимни қўлга олиб қочдик. Ўша татар йигитни бошқа кўрганам йўқ.

Судланувчи Аълобек Ҳакимбеков: — Менга қўйлаётган айбларга қисман иқрорман.

5 декабрь куни Ғоибназаров менинг олдимга яшил рангли машинада келди. Кийиниб олишим керак эди. Бизникида у машинадан тўппончани олиб менга узатди ва «Яшириб қўй», — деди. Қўролни ҳожатхонага беркитдим. Кейин Зафарни ҳам олиб, шаҳар айландик. Бир вақт Эркин машинани эгасига топшириш кераклигини айтди. Чирчиққа бориб, бозор ёнида унинг танишини учратдик. Машинани уникида қолдирдик.

6 декабрь куни учовлон яна Чирчиққа бордик. Эркин менга нотаниш дўстлар билан топшигандан кейин биргаликда бир уйга бордик. У ерда қизлар

видео кўришётган экан. Биз ҳам ўтирдик. Ғоибназаров қаергадир кетди ва 15-30 дақиқадан кейин келди. «Бўлди, Тошкентга кетамиз», — деди. Бошқа у ёққа борганим йўқ. Ҳеч қанақа жасадни кўрмадим ва уни дарёга ҳам ташлаганим йўқ.

Судланувчи Шухрат Шарафутдинов: — Ўзимга нисбатан эълон қилинган айбномага иқрорман.

7 декабрь куни бозор ёнидан машинада ўтиб кетаётсам, Ориф Маметов учраб қолди. «Автобекатга бориш керак, дўстларимни кутиб олиш учун», — деди. Автобекатда унинг дўстлари — уч нафар нотаниш йигитлар машинамга ўтиришди. Ҳаммамиз биргаликда Орифининг танишиникига келдик. Тўртинчи қаватга кўтарилдик. Шу ерда Ғоибназаров менга машина сотиб олишимни таклиф қилди. 2500 сўмга келишдик ва 300 сўм бериб, қолганини кейинроқ олишларини айтдим. Ўша куни уларни ўз машинамда Тошкентга олиб бориб қўйдим.

Қайтиб келгач, сотиб олган машинамни қаерга қўйишни билмай қолдим. Чунки у рақамсиз эди.

Акамга айтдим. У машина ўғирлик эканлигини билгач, зудлик билан эгасига қайтаришимни тайинлади.

Бир ҳафтадан кейин улар пулга келишди. Мен машинани олмаслигини, аввал берган 300 сўмдан кечганлигини маълум қилдим.

«Бўлмаса, бугунча ҳам машина сеникида турсин, кейин олиб кетамиз», — деди Ғоибназаров. Тунги соат учларда уйғониб қарасам, машина жойида йўқ эди. Бир кун ўтгач, Ғоибназаров ҳамда Тоировлар келишди. Машина йўқлигини айтдим. Уришдик. 3 январь куни эса мени ҳибсга олишди.

Тоиров, Ғоибназаров, Ҳакимбековлар сувдан қуруқ чиқишга минг уримасинлар, барибир бефойда. Чунки тергов жараёнидаги кўрсатмалари тўғрилиги гувоҳлар кўрсатмаси ҳамда суд-тиббий экспертизаси ҳулосалари асосида аллақачон исбот этилганди.

Яна бир исбот. Судланувчи А. Ҳакимбеков 1989 йил 25 декабрь куни Тошкент шаҳри прокурори номига хат ёзган. Ўша хатда ҳаёти хавф остида қолганидан шикоят қилганди.

Қўлбола тўппонча топиб олганини, кейинчалик бу қўролни Эркин тортиб олиб, одам ўлдирганини, машинани эса чирчиқлик ўртоқларига пуллаганини ёзган эди. Ҳатто мурдани санатория ёнида дарёга ташлаганини, «Бировга оғзингдан гуллаб қўйсанг, ўлдираман!», деб Зафар икковига дағдаға қилганини ҳам яширмаганди.

Тоиров, Ғоибназаров, Ҳакимбековлар суд жараёнида терговчиларга лой чаплашга зўр бериб уриндилар. Гўёки терговчилар уларнинг бўйнига йўқ ердан айб топиб қўйишган. Тўғрироғи сохта айбларни тан олишга мажбур қилишган.

Амалда эса бу мутлақо нотўғрилиги ҳам рўй-рост намоён бўлди. Чунки уч ваҳший алоҳида-алоҳида ҳолатда кўрсатмалар беришди. 12 январь куни мурда сувга ташланган жойга Ғоибназаров бошлаб борди. Бошқа куни эса ўша жойни Тоиров билан Ҳакимбеков кўрсатишди. Хуллас, учовлон қотил эканлигига ҳеч қандай шубҳа қолмади.

Хўш, пировардида нима бўлди, деб сўрасиз? Нима бўларди, жиноий гуруҳнинг ҳар бир аъзоси қилмишига яраша жазосини олди.

Эркин ЙҮЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳар судининг аъзоси,
Маҳкам ҲАКИМОВ,
жамоатчи мухбир,
Раҳмонали ҚОСИМОВ,
«Постда»нинг махсус мухбири.



НАФС БАНДАЛАРИ

Янгибозор кўрғонидаги Чирчиқ кўчаси, 5-уйнинг 8-хонадонига истиқомат қилувчи Ольга Истомина ҳузурига шу йилнинг 23 сентябрида икки номаълум шахс ниқоб кийиб киришди. Уйда хонадон соҳибасининг вояга етмаган ўғли ҳам бор эди.

Қароқчилар уй эгаларини кўрқитиб, пуллар, кийим-кечаклар ва Японияда ишлаб чиқарилган магнитофонни ўмариб кетишди.

Милиция ходимлари темирни қизғида босишди. Шу туфайли ниқобли шахслар аниқланди.

1974 йили Тўйтепа шаҳрида туғилган Игорь Ким ва Янгибозор кўрғонида турувчи 17 ёшли Дониёр Бояркулов бу ишга қўл урган экан.

Уларни аниқлаб, ҳибсга олишда Коммунистик тумани ИИБ участка инспектори, милиция капитани Суннат Камолонинг алоҳида хизматлари бор. Ҳабиб ШУКУР.

СУРАТДА: Профилактика хизмати бўлимида бошлиғи милиция капитани Шукур Толипов, участка инспекторлари милиция катта лейтенанти Саид Баҳромов, милиция лейтенанти Турғунбой Абдуғаниев ва милиция катта лейтенанти Фурқат Раҳматуллаевлар. Улар Чиноз тумани ИИБнинг кўзга кўринган, фал ҳодимлари.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.

ОИЛАДА фарзанднинг дунёга келиши аввало унинг ота-онасига олам-олам қувонч ҳадя этади. Ўз жону жигарингдан бунёдга келган чақалоқнинг йиғиси, илк табассуми, бора-бора бийрон сўзлари маст қилмай қолмайди. Худого шукур, ҳаммамизда ҳам инсон умрининг қувончи — фарзанд бор. Ишдан ҳориб-толиб келганимизда зурри-ёдимиз чарчоғимизни ёзиб юборади. Ҳаммамизда ҳам шундай.

Йўқ, шу ерда бир оз хато

Валерий Пономарёв ҳеч қаерда ишламайди. Шундай бўлсада, ароқ ичишга пул топа олади. Яна у қаерда ароқ ичади денг — ресторанда.

Тоғни урса талқон қилгудек қоматли Валерий Пономарёв асли ким?

У 1952 йилда Оренбург вилояти, Переволоцк туманида туғилган. Шу вилоятнинг бир неча туманларида истиқомат қилган. Турмуш ўртоғи Бошқирдистонда яшайди, етти яшар ўғли ҳам бор. Қисқа қилиб айтганда у ватангадо, сахий ўлкага келиб, сахий инсонларни «ташлаб кетолмаган», бир умр шунда қолишга аҳд қилган текинтомоқлардан. Шу сабаб 1986 йил Ширин шаҳар халқ суди томонидан ЎЗЖ ЖМнинг 129-модда 3-қисмига асосан уч йил қамоқ жазосига ҳукм этилди. Жазони ўтадию бироқ тавбасига таянмади. Акс ҳолда жазодан сўнг ўзгача ҳаёт кечириш бошларди.

Валерий одати бўйича шу йилнинг 3 март куни Ширин шаҳридаги «Фарҳод» номли ресторанга ташириб буюрди. Бурнидан отилиб чиққудек мириқиб ароқ ичди. Кайфи тарок бўлиб кўчага чиққанда соат миллари 00.30 ни кўрсатиб турарди. У бир дақиқа тоза ҳаводан сипқориб нафас олдида, сўнг сигарета тутатди. Кейин аста гандираклаб йўлга тушди. Бироз юрдию кимдир унинг ортидан таъқиб қилаётгандек ён-верига олазрак бўла бошлади. Атроф эса жим-жит, шаҳар уйкуда. Фақат спиртнинг зўридан юраги ёнаётган Валерий кўчанинг ягона «хўжайини».

У шаҳардаги Ҳамза номли 2-ўрта мактабга етиб келганда ярим тун эди. Атрофга яна бир назар ташлаб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қил-

БОЛТА УШЛАГАН ЎҒРИ

гач, болта билан мактаб ошхонасининг деразасини буздида, ичкари кирди. Музхонадан 49 килограмм гўшт, 2 килограмм колбаса, ошпазнинг хонасидан «Электроника-МК-51» белгили ҳисоблагич аппарати-ни ўғирлаб, ғойиб бўлди.

Эртасига тонгда келган ошпазлар ҳанг-манг бўлиб қолишди. Ҳаммаёқ титилган, дераза эса зулфинига осилиб ётарди.

Содир этилган ўғирлик оғиздан-оғизга ўтди. Биров мактабда қоровул тунда йўқ экан деса, яна биров қоровул хуррак отиб ухлаб ётган экан деб қўшимча қилди. Икки ўртада болалар иссиқсиз қолишди.

ИИБ жиноят қидирув бўли-

ми ходимларининг меҳнатлари зое кетмади. Пономарёвнинг ўғри эканлиги аниқланди. У «Электроника-МК-51» белгили ҳисоблагич аппарати-ни ашёвий далил сифатида ўз қўли билан тутқазди. Жиноятни содир этганлигини эса тўла бўйнига олди.

— Болтани қаердан олдингиз? — деб сўрайди терговчи милиция лейтенанти Ўткир Холмуродов Пономарёвга юзланиб.

— Кўчадан топиб олдим... Қаранг-а, ким экан у кўчага болта ташлаб қўйган? Пономарёв тунда ўтиб қолса олади деб. Бу эҳтиёткорлик чораси эмасми? Сири очилиб қолгудек бўлса, бир бегуноҳ инсонга нисбатан ҳужум қилиш ниятида қўлга олинган жиноят қуроли эмасми? Валерий Пономарёв мана шу саволларга жавоб беришга мажбур.

Сиддиқ СУЛАЙМОНОВ.

СУРАТДА: терговчи милиция лейтенанти Ўткир Холмуродов В. Пономарёвни сўроқ қилаётган пайт.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.



ФАРЗАНДИДАН ҚОЧГАН ОТА

кетдим. Минг афсуски, ора-мизда фарзанд меҳрини топтаётганлар ҳам бор. Шулардан бири татар йигити Асхат Валирахмоновдир.

Чирчиқ шаҳрининг Қипчоқ кўчасидаги 67-уйда истиқомат қилувчи бу йигит то икки фарзандли бўлгунча хотини билан бирга яшади. Кейинчалик негадир «характерлари тўғри келмай» қолди. Ажралишди. Гўёки шу билан ҳам-

ма нарсаси поёнига етгандек. Аслида ҳам шундайми? Йўқ, мутлақо.

Гапнинг пўсткалласини айтганда, Асхатнинг қаерда ишлаганини ҳеч ким билмасди. Тўғрироғи у алиментдан қочиб юрарди. Ҳеч қанақа иложи қолмагач, М. Валирахмонова яна судга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Натижада фарзанди ризқини кийиб, тутқич бермай қочиб юр-

ган ота мажбурий меҳнатга жалб қилинди. Келгусида унинг иш ҳақидан 20 фоизи чегириб қолинади.

Худди шунингдек, унинг 304 сўм қарзи собиқ хотинига — болаларининг онасига ундириб берилди.

Мана, сизга қачонлардир фарзандининг ширин сўзларидан энтиккан отанинг аҳволи.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

Шанба учрашувлари

(ҲАЖВИЯ)

ТУШНИНГ ХОСИЯТИ

Бошқаларни билмадим-у, лекин шахсан мен учун туш кўришдек ҳузур нарсанинг ўзи йўқ. Тушнинг хосияти, таъбири, қолаверса, оқибати ҳусусида кун бўйи тўхтамасдан гапиришга доим тайёрман! Турган битгани лаззат!

Эҳ-е, тушдаги имкониятларнинг чексизлигини айтмайсизми. Киши ўнгиди йиллаб, ҳатто, бир умр эриша олмаган орзуларига, қўлга киритолмаган имкониятларига бир кечада бемалол етишиши мумкин. Одам боласи ҳеч қачон тушидагидек сўзамол, жасоратли, бахтли, қувноқ, чаққон бўлолмас керак. Илҳом деганим булоқдек жўшиб кетади.

Мен деярли ҳар кун узундан-узоқ саргузаштли тушлар кўриб чиқаман. Ёшлиқ армонларим ҳам кўпинча шу тушимда ушалади. Хотинимнинг қаҳр билан таъкидлашича, тушимда кўпинча овоз чиқариб гапириб, аллақандай хотин-қизлар зотиға хос исмларнинг такрорлаб чиқарилиши. Унинг айтишича, кишининг ўнгидидаги ўйи, қилган ҳатти-ҳаракатлари ҳолатлари тушида такрорланадими. Бўлса бордир. Нима бўпти, ўз оти ўзи билан тушда. Ҳамма воқеалар киши онига бўйсунмаган ҳолда, ихтиёридан ташқарида, эркин кечишини хотиним наҳотки тушунмаса. Туш бу эркинлик, озодлик, мустақиллик, имконият демакдир. Киши ўлиб-тирилиб тушидагина ҳақиқатни айтишга эришсаю бунгаъям эътироз билдирилиб, ғазабга олинса-я, адолат борми ўзи?!

Ким нима деса десин, лекин менга тушдан азиз ва қимматли нарсая йўқ! Чунки мен ҳамма орзу-армонларимни тушимда шеърға солиб, бемалол айта олиш ҳуқуқига эгаман. Ҳа, мен тушимда ижод қиламан. Тонг чоғи сапчиб тураману аниқ-тапиқ қоғозға тушираман. Бу ҳолимга хотиним кўпдан бери гумонсираб, гаши келиб рижиниб юрибди. Батъан рашики алангаланиб, очинчасига ҳужумга ҳам ўти қолади. Нима эмиш: «Нега сиз тушингизда нуқул хотин-қизлар, севги, ўлдим-куйдим ҳақида шеър ёзасиз?» Мен ҳам ўз навбатида унинг ҳуружларини, «тушда нималар бўлмайди дейсан», «булар шунчаки оддий шеърларку, ижод, илҳом мевасида», деган қуроллар билан бостириб қўяман.

Мана буларни кеча тушимда ижод қилганман:

ОРЗУИМ

Тонг ели бўлсаму сочинг силасам,
Нур бўлиб юзингдан бўсалар олсам.
Ҳавога айланиб бутун вужудим,
Қалбингга орзудек мен сингиб кетсам.
Бу тўртликдан кейинги тушимда
Ижод қилганим — саккизликимга қувона-қувона «Туш» деб сарлавҳа қўйдим:

ТУШ

Тонг маҳал уйғондим ширин туш билан,
Не бахтим, тушимда сени кўрибман.
Васлингга мунтазир интиқ кўз билан,
Юзингга маҳлиё боқиб турибман.
Яхшиям инсонга туш кўрмоқ одат,
Ширин туш — ошиққа нурли саодат.
Ҳижрон оташига қилолса тоқат,
Тасаввурдек бўлар чин ширин ҳаёт!
Хотиннинг тортаётган тонгдаги ўртача
Кучли хурраги зарбидан фикримни қочириб
қўймаслик учун жон-жаҳд билан
учинчисини қоғозға туширишга ҳаракат қилдим:

ТАСАВВУРМИ БУ...

Тушми бу, тасаввур, ўзим билмайман,
Шу ҳолни ўнгимда кўрмоқ истайман.
Қирқ кокил ёстиққа сочилиб кетган,
Меҳр-ла мен уни ҳидлаб сийлайман.
Ҳайдар кокил ёйган шу моҳирўйдан,
Илтижоли боқиб бўса сўрайман.
Ажабким, лабларим нурга айланди,
Уни сипқормоққа қиз ҳам шайланди...
Мен бу қораламаларни қоғозға тушириб
бўлган чоғимда ҳали тонг отишига анча бор эди. Шунинг учун яна жойимга қайтиб кириб кўрпага буркандим.
Афсуски, бу гал ўхшовсизроқ тушлар кўрибман. Ланж ҳолда ўрнимдан турдим. Тонг аллақачон отиб, қуёш ҳам терак бўйи кўтарилиб кетибди. Ёнимга ўгирилиб қарасам, хотинимнинг ўрни бўш. Ёзув столига яқинлашдим. Ҳалиги ёзганларим ёнида яна бир янги қоғоз турибди. Олиб қарайдим. Не кўз билан кўрайки, хотинимнинг дастхатида битилган шеър эди. Ё, тавба, қандай ўхшашлик-а, хотиним ҳам мендек тушида ижод қилиб чиқаркан! Қачондан бери бошладийкин, деган хаёллар оғушида шеърни кўздан кечира бошладим:

ТАЛОҚ ХАТИ

Орзунг, тушимг, тасаввуринг ол, бари сеники,
Уй ичи анжомлари билсанг, ярами меники!
Уша туш кўрганинг — алвастинг билан, номард,
Кўшилиб қўшмозор бўл, ёлчимагин умрбод!
Шу бугуноқ ариза ёзгин халқ қозисига,
Билиб қўй, танилаган йўлиқар тозисига!
Талоқ хати деб билгин мендан ушбу шеърни,
Худойим олсин сендақа хотинбоз эрини! (Норжоний).

Каллам ишламай, каловланиб тургандим, эшик кўнғироғи жиринглаб қолди. Очдим. Почтачи экан. Узатган қоғозини олиб ўқидим. Халқ қозиси қабулига чақирибди. Хушим бошимдан учди...

Нормамат ТОҒА.

ЎКСИМА, ДЎСТИМ

Мана, бугун келдинг кўзларингда мунг акси билан. Сенига боқдим дурду дунёим тўлғонди. Маънос боққан нигоҳларинг сўзлар эди армондан. Тақдир иши экан қайдан билибмиз, журъат етишмаганлиги сабаб айтимай қолган сўзларимиз учун пушаймон қилишимизни.

Ойга боқдинг, дединг термулиб: «У ҳам мендек бағри шикаста». Сени юпатиш учун нималарнидир сўзлар эдим. Бағрим яримталигини сездирмаслик учун. Кўзларингга боқдим дурдинг уммонига фарқ бўлдим беҳос. Армонларинг чалди оёқдан.

Сен ўксима, дўстгинам, ўкситмагин мени ҳам.

Ўтган кунларимни солма ёдимга. Адашиб юрган кўчаларимни, айтилмаган сўзларимни эсламайин ҳеч. Нигоҳларингни яширган мендан. Бас, боқмагин, қийнамагин куюк кўнглимни. Энди сен унинг қувонганида қувониб, дард чекканида жонинг оғриғувчи кишисизан.

Йўқ, йўқ, айбдорни изламайлик ҳеч. Ўтган кунларимиз барча йўқотишлари билан ўзимизники. «Пешонамга ёзилмаган экансан», деб ух тортмагин, дўстгинам. Йўқса, дунёда борлигим учун ёмон кўриб қоламан ўзимни ўзим. Сенинг ўқинчиг, дардинг, армонинг бўлсин меники. Юрагимга кўмиб қўймоққа етар бардошим. Олақолгин, розиман, кулгуларимни, шўх дамларимни.

Фақат ўксима, ўксима ҳеч ҳам.

Яхши-ёмон кунларимни солма ёдимга. Кулмагин муҳаббат даласида юрган.

лигим учун адашиб. Айб-ситмагин мени ҳеч ҳам. Бағримни тилкалама ҳанжар янглиг сўзларинг билан. Бериб менга изтиробларинг, олақолгин қалбим этагида кўз очган лолаларни.

Фақат, сен ўксима, ўксима ҳеч ҳам.

Сен кетдинг. Уйга келдим тўйиб-тўйиб йиғладим. Назаримда менга қўшилиб дунё йиғларди, муҳаббат йиғларди. Дўстгинам, бағрим тоғ эди. Майда-майда қилиб ташлади шафқатсиз сўзинг. Бағрим чаман эди. Топтаб ташлади сўзинг.

Ҳа, тўйиб-тўйиб йиғладим. Ўқсиб-ўқсиб йиғладим. Йиғлашману сўзларинг хона деворларига урилиб жаранлар, кўзларинг менга илтижола термулиб турарди. Қулоқларимни беркитиб, кўзларимни юмиб олдим азобингдан қутулиш учун. Вужудим пушаймонлиғ ўтида қоврилар, хаёл осмоним ёнар эди гуриллаб, дўстгинам! Лабларим пичирлайди қайта-қайта.

Ўксимагин, ўкситмагин мени ҳам.

Шу вақт қалбимнинг олис юртидан овоз келди ҳайқариб: «Севгида журъат керак! Севгида журъат керак!!!»

Бир умр ёлғон, телба дунёда адашай. Одам янча тегирмонлар янчишин, майли. Омадлар чиқмасин йўлимдан. Йўқотиб яшайин йўғу-боримни. Бардошим етар, розиман, майли.

Фақат, мени куйдириб ўксима, ўксима ҳеч ҳам, азиз дўстгинам!

Ойгул УБАЙДУЛЛА қизи.

ЛАБИРИНТ

Азиз рўзномасевар!
Шаклдан бош ҳарфни топиб, марказдаги эгри чизиқлар ёрдамида кетма-кет ўқисангиз, ибратли ўзбек халқ мақолларидан бирини билиб olasиз.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.



Рўзномамизда чоп этилган аввалги бошқотирмаларнинг жавобини топиб, мактуб йўллаган рўзномасеварлар талайгина. Улар орасида Фарғона туманилик Эркинжон Эгамов, Наманган вилояти, Пош туманида яшовчи Кибриё Раҳмонова, тошкентлик Умида Мавлонова, ҳуқуқшунослик олий билимгоҳи толибаси Раъно Қаршиева, Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари Фурқат Раҳмонов, Туйғун Раҳимовлар тўғри ва аниқ жавоблар йўллашган.

Мактуб йўллаган барча рўзномасеварларга ўз миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

УКАМНИ КУТЯПМАН...

(Бир ичкиликбознинг хиргойиси)
Қандоқ қилай, ароқ, сендан кечолмасам,
Қамоқдаман, чиқиб сени ичолмасам.
Менга ошно бўлган азиз шишаларим,
Минг ўргилиб бўйларингдан кучолмасам.
Ичгим келур тўйиб-тўйиб ичган сарим,
Кайфим ошиб, балчиқларни кечган сарим.
Обру ортар улфатларим даврасида,
Кўпроқ ичиб, кўчаларда ётган сарим.
Кўчаларда учиб қолсам тонг отади,
Ҳолатимга кулиб-кулиб ой ботади.
Кўзларимни аранг очиб боқсам яна,
Қайи, тур, деб милиционер уйғотади.

БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

Она-бола боғчадан қайтиш-моқда.
— Қизим, юр тезроқ уйга.
Овқатланишимиз керак.
— Сизни ишхонада овқатлантиришмайди!
— Йўқ.
— Ухлатишадими!
— Йўқ.
— Ие, унда тарбиячингиз

нима қилади!
Она:
— Қизим, мени кўп гапиртирма, томоғим оғрияпти.
— Меники ҳам оғрияпти, лекин тилим билан гапиряпманку.

— Сен мураббони ичиб

қўйдингми!

— Йўқ, ичмадим. Ишонмасангиз ҳидлаб кўринг оғзимни.

Ота-онасининг тўй суратларини кўриб, ўғил деди:
— А, айёрлар. Суратга мени олмай ўзларингиз тўшибсизлар-да.

Э. РАҲМАТОВ,
Тошкент шаҳри.

Муҳаррир

Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700020, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни
босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, муҳбирлар бўлими — 59-26-56, умумий бўлими — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД Республики Узбекистан
26399 нусхада чоп этилди.